

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА



4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги ХМИ ва ХХМТлар иштирокида қайта кредитланадиган лойиҳалар бўйича масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда лойиҳалар доирасида молиялаштирилган сублоиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборотни ўз расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб бориш.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 февралдаги 77-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгариш киритилсин.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини **самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар** этиб молия вазири Т.А.Ишметов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг биринчи ўринбосари С.М.Холхўжаев, инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг биринчи ўринбосари А.Б.Витов белгилашсин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва С.Ў.Умурзаков зиммасига юклянсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 27 октябрь

Қонунчилик палатасида

МУРОЖААТЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА?

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш соҳасида янги давр бошланди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул йўли сифатида ҳаётимизга жорий этилган мазкур механизм ҳақиқатан ҳам қисқа фурсат ичида ўзининг амалий натижаларини бера бошлади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари ҳамкорлигида худди шу масалага бағишланган йиғилиш ўтказилди. Дастлаб депутатлар 2021 йил январь — сентябрь ойларида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ижроси юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборотини аштитди.

Кайд этилганидек, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот уюштириш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш самардорлигини ошириш, бу йўналишда сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимни йўлга қўйиш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан мурожаатлар билан ишлаш борасида қатор ишлар бажарилди. Биргина жорий йилнинг 9 ойида меҳнат органларига жисмоний ва юридик шахслардан жами 306 минг 892 та мурожаат келиб тушган, шундан 139 минг 480 таси қаноатлантирилган, 143 минг 155 тасига тушунтириш берилган.

Шунингдек, Президентимизнинг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг 54 минг 600 таси қаноатлантирилди, 19 минг 972 тасига тушунтириш берилган. Вазирлик марказий аппаратида бевосита келиб тушган 21 минг 379 та мурожаатнинг 10 минг 987 таси қаноатлантирилган ҳолда, 8 минг 32 тасига тушунтириш берилган.

Депутатлар шу йилнинг ўтган даврида вазирлик томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича қандай чоралар амалга оширилгани билан ҳам қизиқди.

Таъкидланганидек, халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни рози қилиш мақсадида жорий йилнинг 9 ойида республикамизнинг қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда вазир ўринбосарлари раҳбарлигида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари билан оммавий сайёр қабуллар ўтказилган. Уларда фуқаролардан ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга ўқиш, меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазаси, субсидия ажратиш ва бошқа масалаларда мурожаатлар бўлган. Уларнинг 562 таси ижобий ҳал этилиб, 374 тасига тегишли ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилган.

Шу каби ютуқларга қарамай, мурожаатларни кўриб чи-

қишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани ва ушбу ҳолатларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари кўрилгани маълум қилинди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 308 нафар масъул ходимга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Йиғилишда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил январь — сентябрь ойларида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам тинланди.

Вазирлик маълумотиغا кўра, мурожаатларнинг аксарияти ичимлик суви ва коммунал соҳа билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, вазирлик томонидан аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Халқ вакиллари аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолатига ҳам эътибор қаратди. Бу борадаги ишларни вилоятлар ва соҳалар кесимида эмас, маҳалла-маҳалла, уйма-уй амалга ошириш кераклиги, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш чораларини кўриш лозимлиги қайд этилди.

Депутатларнинг фикрича, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи янада кўпроқ бўлиб, бундай жонли суҳбатлар жараёнида қозғоғна сиймаган тафсилотлар ойдinлашди, кўп йиллик муаммоларга ечим топиш имконияти кенгайди.

Йиғилишда вазирликларга мурожаатларни белгиланган муддатларда ҳал этиш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ҲУДУДЛАРНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Шу йил 27 октябрь кун Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Б. Сайфуллаев иштирокида Сурхондарё вилояти масъуллари учун онлайн семинар ташкил этилди.

Семинар

Тақдимот шаклида ўтказилган тадбирда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича Сенат томонидан жорий этилган рейтинг тизимининг мазмун-моҳияти ҳамда бу борада масъул вазирлик ва идораларнинг вазифалари нималардан иборат эканлиги юзасидан тушулча берилди. Шу билан бирга, рейтинг тизимини юритиш,

маълумотларни тақдим этиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг муҳим вазифалари ҳақида ҳам маълумот хавола қилинди.

Ўз навбатида, мутасаддилар рейтинг тизимининг афзалликлари хусусида сўз юритиб, унинг жорий этилиши аниқ муддао бўлгани, шу кунга қадар бу каби аниқ механизм бўлмагани сабабли бир қатор муаммолар келиб чиқаятгани тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАҲОННИНГ ЭЪТИБОРИ ТОБОРА ОРТМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев халқаро кузатувчи, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм билан учрашди.

Мулоқотда К. Лэмм Президент сайловида қўрилган тайёргарлик ҳамда унинг ўтказилиш жараёнини юқори баҳолади. Унинг айтишича, Ўзбекистонда сайловларни илгари ҳам кузатиб борган, бироқ бу галги сайлов аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Ушбу сиёсий тадбир очик, шаффоф ва демократик тамойилларга жавоб бериши, жамоатчилик томонидан сайловга катта қизиқиш билдирилгани билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг юқори даражада фаоллиги кузатилиши таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда иқтисодий, таълим ва бошқа соҳалардаги Ўзбекистон — Америка кўп қиррали ҳамкорлиги жадал ривожланаётганлиги эътироф этилди. К. Лэммининг сўзларига кўра, Ўзбекистонда ташқи сиёсат, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ўтган беш йилда рўйбга чиқарилган ислохотлар хорижий инвесторлар қарорларини мустақамлашга хизмат қилмоқда ва бу дунё тадбиркорларининг мамлакатга бўлган ишончини оширмоқда. Учрашувда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Баронесса Сатти:

БАРЧА САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА БАЙРАМОНА МУҲИТ ҲУҚМ СУРДИ



Кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотларга жаҳон ҳамжамияти, халқаро дипломатик корпус вакиллари катта эътибор қаратаётгани ва бу Буюк Британия давлати ва унинг сиёсатчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётгани қайд этилди.

Баронесса Сатти 5 та сайлов участкасида кузатув олиб боргани ва фақат ижобий ҳолатларни кузатганлигини маълум қилди. Сайлов участкаларида байрамона му-

ҳит ҳуқм сургани, COVID-19 пандемиясига қарши барча чора кўрилгани, хусусан, сайлов участкасига кириш ва чиқиш йўлакчалари ташкил этилганлиги мамнуният билан айтилди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эътиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат эканлигига, айниқса, навқирон авлодга бекиёс гавҳурлик кўрсатилаётганга юқори баҳо бериб, мамлакатда демократик ислохотларнинг боришини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Учрашувда Буюк Британия Глобал шериклик бошқару-

ви жамғармаси нодавлат ташкилоти билан амалга оширилган лойиҳанинг иккинчи босқичи бўйича ҳам келишиб олинди.

Шунингдек, Буюк Британия билан кенг миқёсли ва конструктив алоқани янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Турли соҳалар, жумладан, парламентларо мулоқот орқали икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ишга солинмаган салоҳият мавжудлиги эътироф этилди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

ДУНЁ НИГОҲИ

Халқаро кузатувчилар:

«ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЎЗ КЕЛАЖАГИГА, ВАТАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА БЕФАРҚ ЭМАС»



Зафар АТХАР, Ҳиндистон ТИВ қошидаги халқаро ишлари бўйича Ҳинд кенгаши илмий ходими:



— Ўзбекистонда бир неча йил муқаддам ўтган пар-

ламент сайловида ҳам халқаро кузатувчи сифатида қатнашган эдим. Бу йил эса Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш имкониятига эга бўлганимдан бениҳоят мамнунман.

Ҳудудлардаги бир неча сайлов участкаларида бўлдим. Фуқаролар оила аъзолари билан биргаликда келиб, сайлов жараёнида фаол қатнашди. Мамлакатингизнинг сайлов қонунчилиги билан аввалдан таниш эдим. Ўзим кузатган

сайлов участкаларида қонунчиликка тўла риоя этилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Олдинги сафар келганимда сайлов киш фаслида ўтгани учун жуда совуқ бўлгани ҳамон эсимда. Қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, бу галги Президент сайлови куз фаслида бўлиб ўтгани ушбу сиёсий тадбирда сайловчиларнинг фаол иштирокини таъминлади, деб ўйлайман. Ахир илқ об-ҳаво, чарақлаб турган офтоб кимга ҳам ёқмайди, дейсиз.

Хосе Марио Чикилло БАРБЕР халқаро кузатувчи (Испания):

— Бундан аввал бошқа давлатларда, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларидаги сайловларни кузатганман. Ўзбекистонда биринчи марта бундай сиёсий тадбирда иштирок этдим.

Самарқанддаги сайлов участкаларида бўлдим ва тайёргарлик ишлари намунали даражада эканини кўрдим. Очиғи, сайлов жараёни ҳақидаги таас-

суротларим ҳам ижобий. Негаки, сайловчиларнинг фаоллиги, ўз хоши-иродаларини эркин билдираётганлига шохид бўлдим.

Кузатувларим давомида жиддий хато ва камчиликларни кузатмадим. Барча жараён очик-ошқора, шаффоф ташкил этилган. Бу Ўзбекистон аҳолисининг ўз мамлакатига келажагига бефарқ эмаслиги, сайлов қонунчилиги мукамаллиги ва унинг



ижроси эса тўлиқ адо этилаётганидан далолат беради.

Махди Хусейн Али МУХАММАД, «Ufiq news» ахборот агентлиги директори (Афғонистон):



— Юртингизга тўрт йил илгари келгандим. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар, амалга оширилган бунёдкор-

лик ишлари яққол сезилди. Халқаро кузатувчи сифатида бир неча сайлов участкаларида бўлиб, жараёни кузатиб бордим.

Энг аввало, шуни таъкидлашни истардимки, фуқароларнинг Президент сайловиغا нисбатан муносабати ниҳоятда ижобий. Буни аҳолининг ушбу муҳим сиёсий тадбирдаги иштирокидан ҳам сезиш мумкин. Фуқароларда сайловда «менинг овозим муҳим», деган қараш шаклланган. Демак, ўзбекистонликлар ўз келажагига,

Ватани тараққиётига бефарқ эмас.

Масалан, эътиборимни тортган жиҳат, 89 ёшли кекса нуронийнинг сайлов участкасига келиб овоз бериши бўлди. У билан суҳбатимиз чоғида отахон фарзандларим тақдирига бефарқ бўлолмайман, шу боис сайловда ўзим овоз беришга келдим, дейди.

Умуман, сайловга жиддий тайёргарлик қўрилган ва у адолат мезонлари асосида ўтди, деб ишонч билан айтоламан.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

ОИЛАВИЙ ШИФОКОРЛИК ПУНКТИ 24 СОАТЛИК ИШ ТАРТИБИГА ЎТҚАЗИЛАДИ

Ижтимоий тармоқлардаги «Бўстонликдан нидо: шифохонга етмай жони узилаётганлар бор» сарлавҳали видеомурожаат кескин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Унда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Кўшқўрғон» кишлоқлик бир гуруҳ фуқаролар маҳалла худудида шифохона йўқлиги, улар туман тиббиёт бирлашмасига 50 — 60 км. масофа босиб бораётгани, айрим беморлар, ҳатто шаҳар марказига етиб боришга улгурмай вафот этаётгани айтилган.

Мурожаат Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалала-

ри қўмитаси томонидан тегишли вазирликлар билан биргаликда ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида бу кишлоқдаги Кўшқўрғон оилавий шифокорлик пункти 2019 йилда 1 миллион 800 миллион сўмлик маҳаллий бюджет маблағи эвазига замонавий талаблар даражасида тўлиқ таъмирлангани маълум бўлди. Муассаса «Кўшқўрғон», «Хўжа» ва «Айдарали»

маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 10 минг 639 нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда 26 нафар тиббиёт ходими фаолият олиб бораётди.

Муассасада 4 ўринли кундузги стационар ҳам очилган. Бирламчи тизим учун зарур бўлган дори воситалари етарли миқдорда мавжуд. Аниқ чоғда шифокорлик пунктида тез тиббий ёрдам шохобчаси фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Шунингдек, оилавий шифокорлик пунктида Бўстонлик тумани тиббиёт

бирлашмасига ҳам бўлган масофа ва етиб бориш вақти ўрганилди. Унга кўра, туман тиббиёт бирлашмасига 23 дақиқада етиб бориш мумкинлиги, оралиқ масофа эса 20 километрни ташкил этиши аниқланди.

Яқунда мурожаат инobatта олинди, кишлоқдаги оилавий шифокорлик пунктидаги кундузги стационар ўринлар кечаю кундуз иш фаолиятини юритиш тартибига ўтказилиши ҳақида тўхтамга келинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Гидрометеорология фаолияти, бу гидрометеорологик ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш жараёни бўлиб, у давлат бошқаруви органлари, Қуролли Кучлар, иқтисодийнинг об-ҳавога боғлиқ тармоқлари ва аҳолига ўз вақтида ҳамда ишончли гидрометеорологик маълумотлар, шунингдек, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, атроф табиий муҳит ифлосланиши, иқлим ўзгариши ва унинг иқтисодий ва аҳолига таъсири тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишда муҳим аҳамият касб этади.



Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда гидрометеорология хизматини ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди, дастурий вазифалари белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази — "Ўзгидромет" мамлакатимизда гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Шунингдек, "Ўзгидромет" ҳузурида "Гидрометеорология ахборот технологияларини ривожлантириш маркази" давлат муассасаси — "Метеоинформ" фаолияти йўлга қўйилди. Ҳужжат билан 2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси ва уни 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Хозирги вақтда миллий гидрометеорология хизмати 330 дан ортиқ гидро-

метеорологик қурашувлар ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторингини олиб борувчи пунктларни бирлаштириб, улар ёрдамида 240 турдан ортиқ прогноз, суний йўлдошлардан олинган, таҳлилий, иқтисодлаштирилган ва маълумотнома тусидаги гидрометеорологик махсусотлар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Аммо сув ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, шаҳарсозлик, санот, транспорт ва туризм каби об-ҳавога боғлиқ иқтисодий тармоқларнинг барқарор ривожланиши ва фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи гидрометеорологик хизматлар сифати ва маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишига салбий таъсир килувчи қатор муаммолар мавжудлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни таълоқ этмоқда.

Хусусан, гидрометеорология соҳасидаги муносабатларнинг муайян қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва идоравий низоми билан тартибга солинган, гидрометеорология фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тизимлаштирилмагани, бошқарув ва прогнозлар тайёрлаш жараёнларининг ортиқча марказлаштирилгани юлганган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминламаяпти.

Замонавий ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда гидрометеоро-

логик қурашувлар ҳамда атроф табиий муҳит ҳолати мониторингини ўтказиш, қурашув натижалари бўйича маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ва тарқатишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишчи қонунчилик асосининг етарли эмаслиги, шунингдек, амалдаги қонунчилик томонидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва бошқа юридик шахсларнинг гидрометеорология фаолияти соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмагани натижасида бугунги кунда соҳани тартибга солишчи яхлит қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш заруряти пайдо бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 12 октябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида қуриб чиқилган "Гидрометеорология фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасида бу борада муҳим янгиликлар акс этган.

Қонун лойиҳаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги тегишли қарорининг 13-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, лойиҳа гидрометеорология ва унга яқин бўлган соҳалардаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Қолаверса, давлат, юридик ва jisмоний шахсларнинг гидрометеорологик маълумотларга, шунингдек, атроф табиий муҳит ҳолати ва унинг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларга бўлган талабини таъминлайди.

Мазкур ҳужжатда гидрометеорология

хизматини ягона ташкилий-техник тизим сифатида фаолият юритиши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган ҳуқуқий нормалар, гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш тартиби, жумладан, гидрометеорология фаолияти объектлари ва субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гидрометеорология фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши, давлат органлари, иқтисодий тармоқлари, фуқаролар ва муҳофаа органларини гидрометеорологик маълумотлар, атроф табиий муҳит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ҳамда гидрометеорология фаолиятини молиялаштириш тартиблари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қатор хорижий давлатлар, хусусан, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Беларусь, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова каби мамлакатларнинг қонунчилигидан кенг фойдаланилган.

Чунинчи, Ўзбекистон гидрометеорология хизматига муҳим вазифалар топширилган бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаси, шубҳасиз, унинг фаолиятига боғлиқ. Бу фақатгина оддий об-ҳаво баюратидан иборат эмас, балки фуқаро авиацияси учун метеорологик хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар учун прогнозларни ҳозирлаш, дарёларнинг сувлилик даражаси прогнозлари, қор қўқисси ва сел тошқинлари хавфи, атмосфера хавоси, сув ва тулроқнинг ифлосланиш ҳолати ва бошқа кўплаб маълумотларни тайёрлашни ўз ичига олади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса гидрометеорология фаолиятини, гидрометеорологик қурашувлар ўтказиш ва маълумотларга ишлов беришнинг илмий услубларини янада такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, бошқа ташкилотларни, аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳадаги минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши мукаррар.

Маҳири ХҲҲАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси.



ЯНГИЛИК, ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Анҳор Локомотив" боғида қурилиш саноатига оид "UzStroyExpo — 2021" ҳамда энергетика тизимига доир "UzEnergyExpo — 2021" халқаро кўргазмалари бошланди. Унда маҳаллий корхоналар қаторида Беларусь Республикаси, Россия, Германия, Италия, Корея Республикаси, Қозоғистон, Туркия, Польша каби давлатларнинг 60 га яқин компанияларидан вакиллар қатнашмоқда.

Халқаро кўргазма



Маълумотларга кўра, 2021 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз тармоқ корхоналари томонидан 287,8 миллион АҚШ долларлик қурилиш материаллари ва хизматлари экспорти амалга оширилди. Бу 2020 йилнинг шу давридагига нисбатан 84 миллион долларга кўндр. Аксарият қурилиш материаллари бўйича янги қувватлар ишга туширилиши ва модернизация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширили-

ши ҳамда янги корхоналар экспортга жалб этилиши ҳисобига баъзи турдаги қурилиш материаллари экспорти бир неча баробар ошган.

Шу йилнинг ўтган даврида қурилиш материаллари экспорти географияси аънаваний ҳисобланган бозорлар, яъни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондан ташқари Афғонистон, Россия, Ливан, Туркия, Украина, Озарбайжон, Хитой ва Эрон давлатлари ҳисобига кенгайган.

Шунингдек, юртимизда энергетика соҳасини тараққий эттириш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Энергия самардорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси ишлаб чиқилган. Концепция мамлакатнинг энергетика тармогини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш мақсадлари ва йўналишларини, тармоқ самардорлигини таъминлаш механизmlарини ҳамда мақсадларга эришишни кафолатлайди.

Бундай иқобий кўрсаткич ва амалий ҳаракатларда аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган кўргазма ва тадбирларнинг аҳамияти катта, албатта. Бинобарин, бири ўнчинчи, бошқаси ўн бешинчи бор ташкил этилаётган мазкур нуфузли тадбирлар кўлам ва долзарблиги жиҳатидан тобора кенгайиб бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар кўмаги билан "International Expo Group" МЧЖ томонидан ташкил қилинган халқаро кўргазмалар уч кун давом этди.

«Халқ сўзи».

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ХАЛҚИМИЗ ТАНЛОВИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА БЎЛАЖАК!

Мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараёнлардан бири бўлган Президент сайлови янги Ўзбекистонга хос ва мос тарзда ўтказилди. Айтиш кераки, юрт эртасини белгилувчи мазкур жараёнда барча юртдошларимиз халқимиз тақдирини, бугунги ва эртанги истиқболни учун қатъий танловни амалга оширди.

Муносабат



Аҳамиятлиси, муносиб номзод учун берилган ҳар бир овоз замирида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, орзу мақсадларининг ифодаси бор. Сайловда ёшларнинг фаол иштироки, уларнинг ўз сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини намойиш этганлари ёш авлод қалбида она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси жўш ураётганининг яққол намунаси бўлди.

Сайловнинг тарихий аҳамияти ҳам шундаки, мамлакатимизнинг барча аҳолиси — ҳаммаимиз қалбдан бирлашиб, ҳамжиҳатлик билан ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги, оилапаримиз фаровонлиги, энг асосийси, юртимиз тинчлигига бефарқ эмаслигимизни намойиш этдик. Бу жаннатоманд юрда яшаётган ҳар бир ватандошларимиз овози, хоҳиш-иродаси муҳим эканини, инсоннинг қадр-қиммати, манфаатлари устувор бўлганини яққол кўрсатиб берган сайлов — ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг юксак тантанасидир.

Халқимизнинг тўйлари каби чинакам байрамга айланган ушбу сайловни қурашув асосида фарзандларини етлақиб овоз бериш учун келаётган оилалар, келин-куёвлар, ёшлар ва нурунийларнинг кўзларида ҳаётдан, турмушдан розилик, тақдирга бўлган ишонч, бахтиёрликни кўрсатиш, сезмасаси асло мумкин эмас. Уларнинг қабул қилган қарорлари қатъийлиги шадду шижоатида, босаётган қадамларида намён эди.

Инсонпарварликнинг яна бир ифодаси — Сайлов кодексига киритилган ўзгаришлар асосида сайловнинг кузнинг илк кунларида бўлиб ўтгани халқимиз кўнглидаги воқелик бўлди. Қаҳратон қиш — декабрь ойидан кўра, очик-сочик, қўёш тафти бор кунларда сайлов ўтказилиши ҳамма учун — сайловчилар, сайловчилар, сайловчилар ташкил этувчилар учун ҳам ниҳоятда қулайлик яратди.

Сайловчи сифатида ўз бурчимизни адо этар эканмиз, юрак-юрагимизда улғу аждодлардан мерос ўлиб, тарих силсилаларида товланган, узоқ йиллик оғриқлардан халос бўлиб, янги истиқболга юз тутган халқимиз ўзи учун бахтли ва фаровон ҳаётнинг бардавонлигини таъминлашга қодир бўлган Ўртобшини танлай олганига ишончим орди.

Биз мард ва олижаноб, меҳнат ва машаққатдан чўчимайдиган, илм-маърифатни сўнмас маёқ деб билган миллат билан бунёд этаётган янги Ўзбекистон, албатта, салобатли қад ростлаши, бундан-да гурураб юксалиши айнан ана шу танловга боғлиқ, шубҳасиз.

Зотан, янги Ўзбекистонини барпо қилиш шунчаки истак эмас, аксинча, туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив зарурат, улғувор мақсаддир. Қувонарлиси, бутунлай янги давр кўйи билан бунёд бўлаётган янги Ўзбекистон сари қўйилган илк қадамларининг самараси бугун ҳар бир юртдошимиз тақдирини ифода топмоқда.

Еруғ истагимиз шунки, бу йил янги рух, янги қаифиятда ўтган сайловда халқимизнинг бир тану бир жон бўлиб амалга оширган танлови одамийлик мезонининг ҳаммаси барқарор эшик, эл розилиги, мамлакатнинг янги тараққиёт босқичига олиб чиқиши ва барча соҳада энг намунавий муҳит, барқарор ўсиш сурьатларини таъминлаш йўлидаги дадил ва ишонч билан қўйган тарихий қутлуг қадами бўлади.

Юрак-юрагимиздан истаган қутлуг галабаси, янги Ўзбекистон тарихида очилган яна бир янги саҳифа, мақсадларимиз тантанаси барчамизга муборак ва хайрли бўлсин!

Баҳодир ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарона давлат университети ректори.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ УЗОҚ ЙИЛЛИК ОРЗУСИ УШАЛДИ

Шаҳрихон туманининг энг чекка Шайдо қишлоғи аҳолиси эсини танибдики, ҳудудда мактаб йўқлигидан азият чекиб келарди. Неча йилларки, ўғил-қизлар олис масофага — қўшни қишлоқдаги мактабга қатнаб таҳсил олган.

Таълим

— Ҳуқуқчилик пайтимизда ҳам ота-оналаримиз ҳудудимизда мактаб қуриб беришларини сўраб, нуфузли идораларга мурожаат қилишгани эсимда, — дей-

ди меҳнат фахрийси Абдуқоҳор Тошбоев. — Қаранг, ёшим 75 дан ошгандагина қишлоғимизда янги мактаб қурилди. Неча йиллик орзуларимизни амалга оши-

радиган замонлар келганига шўк!

5 миллиард 200 миллион сўм эвазига барпо бўлган мактаб биносининг фойдаланишга топширилиши ҳудуд аҳолиси учун катта шодибўнага айланди. Мактаб 315 ўринли бўлиб, унда замонавий шароитлар яратилган.

Салимжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ «НОУ-ХАУ»ЛАРДА «ТУРОНБАНК» ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Замонавий трансформация жараёни фаол олиб борилаётган "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки бугунги кунда хорижий тажрибаларни чуқур ўрганган ҳолда истеъмолчиларга тезкор, сифатли ва энг сўнгги ахборот технологиялари билан таъминланган бир-биридан фойдали ва инновацион хизматлар кўрсатиб келмоқда. Замонавий банк тилида айтганда, "ритейл", яъни чакана хизматлар йўналишида мамлакатимиз учун ҳали янги бўлган "ноу-хау"лар Ўзбекистон молия бозорига олиб кирилаётгани, айниқса, диққатга сазовор.



Молия муассасаларида

Хусусан, "Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш", "Масофага хизматлар тури ва сифатини такомиллаштириш", "Тўловларни амалга оширишнинг оптимал ечимларини ишлаб чиқиш" каби йўналишларда ҳали муқобили бўлмаган ечимлар тақлиф этилмоқда.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтган анжуманда "Туронбанк" АТБ мутахассислари томонидан ҳозирги кунга қадар жорий этилган мана шундай янги банк махсусотлари хусусида журналистларга маълумот берилди.

айрибўшланади ва ўзингиз билан нақд пул олиб юришнинг ҳожати йўқ, Андиқорги, бир карта билан Ўзбекистонда ҳам, Россияда ҳам ҳар қандай тўловларни амалга ошириш, банкномалардан пул ечиш мумкин. Қолаверса, мазкур етарли Ўзбекистондаги исталган мобил иловага улаб ишлатиш, "Uzcard-MIP" карталарига пул ўтказ-маларини жўнатиш ҳам мумкин.

Бундан ташқари, яқин кунларда "Туронбанк" АТБ, "Mastercard" ва "Tourist.uz" компаниялари ўртасида янги "кобрендинг" картаси ҳам йўлга қўйи-

нуқталарида терминал ишламаётгани, қуввати йўқлиги, таъмир учун берилганлиги каби қатор бахоналар рўқач қилиниб, аҳолидан нақд пул ундириш ҳолатлари кузатилади. Айни шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек, нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини янада тараққий эттириш мақсадида "Туронбанк" "One Touch" дастурини ишлаб чиқиб, кенг омма эътиборига хавола этди. У "Humo" пластик карталарида ишлайдиган дастур бўлиб, NFC функцияси мавжуд смартфонлар ёрдамида тўловларни қабул қилиш имконини беради. Яъни қўлингиздаги телефонга картани теккизиш орқали тўловларни қабул қилишингиз мумкин. Мазкур хизматга улашни ҳозирча бепул. Ушбу амалиёт етказиб бериш, такси хизмати, кичик савдо нуқталарида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар учун, айниқса, қўл келади. Тўловлар ўтганлиги тўғрисидаги махсус чек эса электрон шаклда тақдим этилади.

Шунингдек, "One Touch" иловаси такомиллаштириб, мазкур иловада "Visa" халқаро пластик карталарини қабул қилиш ва "Visa" халқаро тўлов тизимининг "Pin on glass" технологияси ҳам ишга туширилди. У миқозлар томонидан "Humo" ва "Visa" халқаро пластик карталаридан 100 миғ сўмдан ошқ бўлган тўловларни амалга ошириш вақтида "One Touch" иловаси миқоздан ПИН-код теритиши сўрайди ва тўлов хавфсиз смиртшон орқали қабул қилинади.

Бундан ташқари, банк томонидан жорий йилнинг сентябрь ойидан "MoneyGram" халқаро пул ўтказмалари тизими билан ҳамкорликда замонавий ва тезкор "Profix" платформаси ҳам ишга туширилди. У орқали миқозлар келган ва жўнатилган маблағларни осон қабул қилиб олишлари мумкин. Қолаверса, халқаро пул ўтказмалари орқали операторларнинг иши енгиллашиб, миқозларга тезкор хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

«One Touch» — терминал ўрнини смартфон эгаллайтириш

Қайд этганимиздек, "Туронбанк" бугун замонавий технологияларга асосланган инновацион молия ташкилотига айланиб бормоқда. Айтилик, яна бир янги хизмат — тўловларни қабул қилишга мўлжалланган аънаваний терминналлар ўрнини эгаллаб бораётган "One Touch" технологияси бунинг тасдиғидир.

Сир эмаски, ҳозиргача айрим савдо

йилгача бўлган муддатга бошланғич тўловсиз истеъмол кредитини йиллик 26 фоиздан расмиёлаштириш мумкин. У базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баробарига, яъни 81 миллион сўмгача. Кредит миқоз билан ҳамкорлик қилаётган корхонанинг ҳисоб рақами пул ўтказиш йўли билан тақдим этилади.

Ёки айтилик, сизга пул жуда зарур бўлиб қолди. Бунда сиз мақсадсиз микроқарз сифатида 50 миллион сўмгача олишингиз мумкин. Бунинг учун фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжат — паспорт талаб қилинади, холос. У 2 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга йиллик 26 фоиздан итасангиз нақд, хоҳласангиз пластик картага ўтказиб берилади.

Қолаверса, янги автомобиль харид қилиш истагида бўлганлар учун банк ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи бозор йиллик 24 фоиздан автокредитлар тақлиф этади. Муддати 1 йилдан 4 йилгача.

Шу билан бирга, банк томонидан фуқароларнинг бирламчи ва иккиламчи бозордан янги хонадон харид қилиши ҳамда ховли жойини реконструкция қилишлари учун ҳам ипотека кредитлари ажратилапти.

Қурилиш ва реконструкция учун:

Фоизи: 17-18 фоиздан;
Муддати: 20 йилгача;
Миқдори: 309,4 млн. сўм;
Бошланғич тўлов: 15 фоиз.
Мазкур кредит Тошкент шаҳридан ташқари, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси учун ажратилади.

Янги қурилган ва иккиламчи бозордаги кўп қаватли уйлар ёки яқка тартибдаги ховли-жойлар сотиб олиш учун:

Муддати: 20 йилгача;
Миқдори: 400 млн. сўм;
Бошланғич тўлов: 25 фоиз.

Хонадонларни энгил таъмирлаш учун:

Муддати: 10 йилгача;
Миқдори: 80 млн. сўм;
Бошланғич тўлов: 0 фоиз.

Ўхшаши йўқ икки янги кредит

Матбуот анжумани давомида кўпчиликда қизиқиш уйғотган маълумот бу,

янги ишлаб чиқилган "Даво" ва "Саёҳат" номли кредит турлари бўлди. Бинобарин, улар ўхшаши йўқлиги билан бошқа молия муассасалариникидан ажралиб туради.

Гап шундаки, ушбу кредитлар фуқароларнинг эҳтиёж ва имкониятларидан келиб чиққан, қолаверса, банк кредит бозорининг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Тасаввур қилинг, зудлик билан Ўзбекистондаги маълум бир клиникада да-



воланишингиз ёки яқинларингизнинг физиологик ҳолатини санаторийда яхшилашингиз керак бўлиб қолди. Шунда банк сизга 3 йилгача муддатга, йиллик 24 фоизда, бошланғич тўловсиз 50 миллион сўмгача кредит ажратади. Маблаг шартнома асосида тиббиёт муассасасининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тақдим этилади.

"Саёҳат" номли кредит эса оилавий, дўстлар билан ёки чет элга сафар қилишни режалаштирилганга ниҳоятда қўл келиши, шубҳасиз. Бунинг учун сиз ўзингиз маълум кўрган турфирма билан бирон-бир манзилни танлашсиз, банк эса 5 миллиондан 21 миллион сўмгача молиявий кўмак ажратади. 26 фоизлик мазкур кредит 1 йилгача бўлган муддатга 2 ойлик имтиёзли давр билан берилади. Кредит туристик фирманинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Банк мутахассисларининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1 октябр холатига кўра, "Туронбанк" АТБ томонидан аҳоли эҳтиёжлари учун қарийб 480 миллиард сўм миқдорда чакана кредитлар ажратилган ва бу ишлар жадал сурьатларда давом этмоқда.

Қизгин ўтган матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган қўплав саволларга батафсил жавоб олди.

Д. МУРОДОВ.

Хизматлар лицензияланган.

Олий таълим тизими:

ЎЗБЕКИСТОН ҚАНДАЙ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА?

Бугун биз энг илгор мамлакатлар сафига қўшилишни мақсад қилганмиз. Ҳар соҳада пешқадам бўлсак, деган эзгу ниятимиз бор. Халқро майдонда доимо сўзимиз кескир, қадамимиз дадил, қароримиз қатъий бўлишини истаймиз.

Нуктаи назар

Стратегик мақсадимиз бор

Иқтисодий ривожлантириш таълим соҳаси олдида ҳам қатор устувор вазифаларни қўймоқда. Жумладан, олий таълим тизими замонавий трансформацияларга мослашиши зарур.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги энг муҳим стратегик мақсадларни белгилаб бергани билан аҳамиятли.

Мазкур ҳужжат республикамиздаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқро эътироф этилган таълим оловлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи мингаллик рўйхатига, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 талик рўйхатига киритиш, олий ўқув юрларининг академик, молиявий мустақиллигини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган вазифаларни ўз ичига олган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Ўзбекистон олий таълим муассасалари шу пайтгача нега халқро рейтинглардан жой олмаган?

Нега рейтинглардан ўрин олмадик?

Бу масала юзасидан кўплаб мунозарали ҳолатлар мавжуд. Бизнингча, яқин йилларгача юртимиз олий ўқув юрлари учун халқро рейтингларда иштирок этиш манфаатли бўлмаган.

Жаҳон таълим соҳаси ҳам бунга тасдиқлайди. Масалан, ривожланган давлатлардаги олий таълим муассасалари халқро рейтингларга кириши орқали ўз университет ёки институтларига Ер шарининг турли нуқталаридан талабалар жалб этишни мақсад қилган. Бу эса олий таълим масканларининг мустақил мотивацияларини шакллантиришга замин ҳозирлаган.

Ўзбекистонда эса квота тизими мавжудлиги, олий таълим муассасаларимиз бозори аниқлиги ва унга талабгорлар сони 11 баробар (олий таълим билан қамров 9 фоиз бўлганлигини инобатга олганда) кўпчилиги ҳаракатсизликнинг бош омилли бўлган, деган фикрда.

Ҳозир-чи? Айни пайтда квоталари мустақил белгилаётган таълим йўналишлари ўртасида рақобат муҳити шаклланимоқда. Мисол учун, давлат олий таълим муассасалари базаларида хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган қўшма таълим дастурлари квоталари юқори турувчи органлар билан келишилган ҳолда ўқув базаси имкониятларини инобатга олиб мустақил белгиланади.

Мазкур амалиётнинг ривожланиётганлиги улар ўртасида ўзаро соғлом курашнинг вужудга келишига хизмат қилмоқда. Натيجанда қўшма таълим дастурлари мавжуд олий таълим муассасалари интернет ва бошқа воситалар орқали пулли реклама хизматларидан фойдаланмоқда.

Ушбу тенденциянинг ривожланиши абитуриентлар ўртасида ҳам танлов имкониятини вужудга келтириб, рақобат-

Бардош кадрлар тайёрлашга етарли шарт-шароитларни ҳозирлайди, деган хулосада.

Ҳўш, келгусида бу соҳада қандай йўл тутган маъқул?

Квота усулидан воз кечиш керак

Талабалар қабул қилишда квота тизимидан воз кечиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу эскирган амалиёт ҳозиргача Ўзбекистон олий таълим тизими ривожига тўсиқ бўлиб келаётган омиллардан бири. Яъни мазкур ҳолатнинг мавжудлиги бир неча фундаментал муаммоларни келтириб чиқаради.

Мисол учун, 2016 йилга қадар Ўзбекистонда талабаларнинг умумий улуши олий маълумот олиш истagini билдирган абитуриентлардан бир неча баробар паст бўлган. Оқибатда олий таълим қамрови 10 фоизга ҳам етмаган. 2021 йилга келиб, мазкур кўрсаткич сезиларли даража ошиши кутилмоқда.

Бинобарин, макросиқтисодий мувозанатга биноан, ялли талаб ва ялли тақлиф ўзаро балансида бўлиши тавсия этилади. Шунга қарамай, олий таълим олиш истagini билдирганлар (ялли талаб)ни тўлиқ қондириши учун етарли университет ва институтлар ҳамда улардаги ўринлар сони (ялли тақлиф)ни шакллантиришга зарур даражада эътибор қаратилади. Шу тўғрисида ўзбекистонлик абитуриентлар хорижий давлатларга олий таълим олиш учун кета бошлади. Бу эса таълим импорти ривожланишига шарт-шароит яратди. Ушбу ҳолат, биринчидан, Ўзбекистондан хорижий валюта, иккинчидан, юқори салоҳиятли кадрлар четга чиқиб кетишига сабаб бўлди.

2020 йил 1 январдан ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиши белгиланган олий таълим муассасалари квоталарни босқичма-босқич мустақил белгилаши мўҳим қадамлардан биридир. Жумладан, Вазирлар Мақамасининг 2019 йил 3 декабрдаги "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида"ги қарори айни мақсадларни назарда тутди.

Қолаверса, квота тизими Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқро рейтингларда ўрин олишига тўсқинлик қилди. Ваҳоланки, юқорида айтганимиздек, жаҳон таълим соҳасида олий таълим муассасалари халқро рейтинглардан ўрин олиб, молиявий барқарорликка эришишни мақсад қилади. Бизнинг таълимимизда эса университет ва институтларнинг таълим бозорида рақобатлашишига зарурат йўқ эди. Бошқача айтганда, ҳар бир олий таълим муассасаси ўзи қабул қилган олий таълим муассасалари (квотани) белгилашга тўлиқ бозоридеги миқоз учун курашишга эҳтиёж қолдирмади.

Академик ва молиявий мустақиллик жуда зарур

Академик мустақиллик билан боғлиқ айрим жиҳатлар бор. Президентимиз томонидан белгилаб берилган қатор устувор вазифалар ижроси бу борада сезиларли ижобий натижаларга сабаб бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон университети ва институтларида таянч олий таълим муассасаси категорияси тенденцияси шаклланиши қатор мураккабликлари юзга келтиради.

Биринчидан, ОТМнинг академик мустақиллиги йўқолди. Масалан, Тошкент



Молия институти 5230600 — "Молия" таълим йўналишига таянч ҳисобланади, унинг ўқув режасини ишлаб чиқиши белгиланган. Бу эса бошқа ОТМда ўқитилмайдиган худди шу йўналишдаги фанлардан ташқари мустақил фанлар киритиш имконини бермаган. Натияжада олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро рақобат қилиш учун фундаментал шароитлар яратилмаган.

Иккинчидан, ОТМнинг мустақил таълим йўналишларини жорий этишга шароит мавжуд бўлмаган. Жаҳон таълим соҳасида кўрсаткичлар, ОТМ кенгашлари ўзлари мустақил тарзда бозор талабларидан келиб чиқиб мутахассис номларини жорий этади ва бозор талабларига тез мослашишга эришади.

Шу боис Президентимиз 2020 йили парламентга Мурожаатномасида кадрлар

2016 йилга қадар Ўзбекистонда талабаларнинг умумий улуши олий маълумот олиш истagini билдирган абитуриентлардан бир неча баробар паст бўлган. Оқибатда олий таълим қамрови 10 фоизга ҳам етмаган. 2021 йилга келиб, мазкур кўрсаткич сезиларли даража ошиши кутилмоқда.

малакасини халқро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқиши ва бу 9 мингга яқин касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш имконини беришни таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон олий ўқув юрларидеги молиявий мустақиллик тўлиқ таъминланмагани ҳам яна бир жиддий муаммо. Таълим контракт-тўлови бир йўналиш доирасидаги ўзаро рақобатга асосланмаган. Қолаверса, 2020 йилдан бошлаб молиявий мустақиллик мақомини олган муассасалар томонидан талабаларнинг стипендиялари тўлиқлиги белгиланган. Бизнингча, бу маблағлар Давлат бюджетидеги ҳисобидан қопланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳолат, бир жиҳатдан, олий таълим муассасасининг бизнес стратегиясига уйғун бўлмаслиги, бошқа томондан, талабаларнинг билим олишидаги молиявий мотивациянинг нобарқарорлашуви олиб келади. Бошқача айтганда, Давлат бюджетидеги маблағлари ҳисобидан шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг стипендиялари қопланмайди. Талабалар ўзлари тўлаган суммаларини сезиларли қисмини қайтариб олаётгани инобатга олинса, бу бюджетдан ташқари манбаларнинг улушини янада оширишни талаб этади.

Олий таълим муассасаларида моддий-техник база ва профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти турлича бўли-

шига қарамай, бир йўналиш учун турли университет ва институтларда бир хил таълим контракт-тўловлари белгилаши ҳам соғлом рақобат муҳити мустаҳкамлашишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Баҳолашнинг муҳим мезонлари

Халқро рейтинглардан муносиб ўрин олиш учун хозир олий таълим муассасаларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. "THE" ва "QS ranking" методологияларига эътибор қаратсак, бунда ўқув, илмий ва халқро ишларнинг ўрни муҳим роль ўйнаши кўзга ташланади.

"THE" рейтингининг методологиясида ўқиш, тадқиқот, ҳавола, халқро ҳамкорлик ва саноатдан даромад каби кўрсаткичлар асосий омил ҳисобланади. Унда ўқув-академик фаолият натижалари талабаларнинг билим олганлик даражасини баҳолаш билан юзга чиқарилади.

Бироқ халқро рейтингда минглаб университетлар қатнашиши ва улар дунёнинг турли нуқталарида жойлашгани боис талабалар билимининг реал вақт режимида баҳолаш имкони мавжуд эмас. Шу сабабдан унинг таркибий қисмлари қуйидагича тақсимланган: академик сўровнома — 15 фоиз бўлиб, у олий таълим муассасасининг таълимлик даражаси билан шаклланади. Профессор-ўқитувчи ва талаба нисбати — 4,5 фоиз. Мазкур кўрсаткич дарс сифатининг нечоғли даражада эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. Ушбу индикаторнинг нисбат даражаси кичик бўлиб бориши дарс сифатининг юқори эканлигини аниқлатади. Масалан, талабалар ва профессор-ўқитувчи нисбати 9:1 бўлса, 16:1 га қараганда ижобийроқ хулосани шакллантиришга асос бўлади. Илмий даражаларнинг талабалар ва ҳамкам академик таркибидеги нисбати мос равишда 2,25 фоиз ва 6 фоизни ташкил қилади. Бу орқали олий таълим муассасасида қанчалик кўп илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчилар дарс ўтса, таълим сифати шунча яхши, деб баҳоланади.

Тадқиқотлар кўлами ва уларга ҳавола биргаликда 60 фоизга тенг бўлади. Яъни мазкур рейтингда илмий тадқиқот фаолияти асосий кўрсаткичга айланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида "Web of Science" ва "Scopus" халқро илмий базаларида

Илмий тадқиқот фаолияти натижаларига бошқа олим, тадқиқотчилар томонидан ҳавола берилиши салкам 1/3 баробарга тенг. Шу боис илмий тадқиқотлар "Web of Science" ва "Scopus" халқро илмий базаларида нашр этилиши ва ушбу базалар доирасида ҳавола-ларга эришиш лозим бўлади.

Кейинги асосий кўрсаткичлардан бири — халқро ҳамкорлик фаолияти. Бунда хорижий профессор-ўқитувчилар, чет эллик талабалар улуши қанчалик катта бўлса, ушбу кўрсаткич мустаҳкамлашиб боради. Бизнингча, хорижий ўқитувчи ва талабаларни жалб этишда олий таълим муассасаларида чет тилларда ўқув машғулоти ўтладиган академик гуруҳларни шакллантириш лозим. Шунингдек, ўқиш, илмий ва бошқа фаолиятга жалб этилган хорижий фанлар, профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг Ўзбекистонда бўлиши учун виза ва ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишга доир давлат божига ҳамда бошқа тўловларни бекор қилиш долзарб ҳисобланади.

Чет эллик талаба, профессор-ўқитувчи ва экспертларнинг виза ҳамда рўйхат олиш мuddатларини мамлакатдан чиқмасдан туриб ўзайтириш тартибини ҳам белгилаш муҳим ҳисобланади. Умуман олганда, олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар дастлаб таълим сифати ошиши, илмий тадқиқотлар натижавийлиги ва халқро ҳамкорлик мустаҳкамлашишига хизмат қилиши зарур. Шунда Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқро даражада эътироф этилишига шарт-шароит юзга келади.

Янги қонунга эҳтиёж туғилмоқда

Олий таълимни ривожлантириш стратегияси соҳа равнақи йўлидаги муҳим дастуриламал. Уни амалга оширишда қатор масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Масалан, олий таълим муассасаларининг академик мустақиллик даражасини оширишда профессор-ўқитувчилар нисбатини оптималлаштиришга имкон бериш лозим.

Халқро илмий базаларда мақолалар нашр этиши, дастлаб мазкур базаларга олий таълим муассасаларида туриб улана олиш ва улардан илмий асарларни олиб ўқиб-ўрганишга шарт-шароитлар яратиш ҳам сезиларли аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик амалиёти ривожлантириш керак. Бунда иш берувчилар томонидан мустақил танловлар асосида танланган абитуриентлар улар буюртмасига кўра олий таълим муассасаси томонидан имтиҳонларсиз ўқишга қабул қилиниши даркор. Иш берувчи эса уларнинг таълим олишлари учун тўловларни қоплайди. Ушбу механизмнинг жорий этилиши туғрисида олий таълим муассасаларини тўлашда хусусий манбалардан фойдаланиш имконияти юзга келади. Абитуриентлар кириш имтиҳонларини ташкил этишга зарурат қолмайди. Олий таълим муассасаларини битирган талабалар ишга жойлашишидаги муаммолар тизимли равишда барҳам топади.

Бундан ташқари, талабаларнинг ўқиши муваффақиятли битириши учун нафақат ота-оналар, балки иш берувчилар манфаатдорлиги ҳам ошади.

Олий таълим муассасаларида мустақил тарзда мутахассисликларни жорий этиш, таянч таълим категориясини бекор қилиш орқали фанлар таркибини мустақил белгилаш имконини бериш лозим.

Университет ва институтларнинг мамлакат миқёсидаги расмий рейтингини ҳамда бошқа ютуқларини инобатга олган ҳолда таълим учун тўловларни ихтисослашган услубият орқали белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таълим тўлови билан ўқитувчилар ойлик маошлари ва уларни моддий рағбатлантириш ўртасида боғлиқлик кўзда тутилиши керак. Бу ҳам бюджет маблағларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини аниқлатади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари молиявий мустақиллиги кенг жорий қилинаётган бир пайтда молиявий ҳужжатларнинг мустаҳкамлашганини кўзга ташланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таълим тўлови, иш ҳақига қўшимча устамалар белгилаш, эндуменмент фондарини ташкил этиш ва бошқа молиявий фаолиятларнинг тартибга солиш мақсадида "Олий таълимни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дилшоджон РАҲМОНОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети проректори, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

ЭЪЛОН


Китоб жавонингизга

«ШИРИН МАҚОЛ»

Ўзбекистон халқ шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибийнинг бетақор газаллари, шеърлари қўшиққа айланаб кириб бормаган ўзбек хонадонини тоғилмас керак. Лутфий, Навоий, Бобур, Оғаҳий, Фурқат, Муқимий, Завқий каби улуглар аънанасини давом эттириб, ўзбек адабиётида мумтоз шакллари янги мазмун билан бойитишда Ҳабибий ҳам ўз ижоди билан муносиб ҳисса қўшган.

Шоир ижодида сеवги ва вафо, Ватанга, миллий ва умминсоний кадриятларга ҳурмат ҳамда садоқат гоёлари устуворлик қилади. Ҳабибийнинг адабий мероси мумтоз ўзбек адабиётининг газал, мурабба, мухаммас, муҳаммас, рубоий, туюқ, қасида ва дoston сингари жанрларида ёзилган 40 мингдан зиёд байтдан иборат. Унинг 300 дан зиёд газаларига кўй басталанган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозир ҳам эл эйлаган санъаткорлар томонидан ижро этилади.

Дурдона газаллари билан халқимиз қалбидан чучур жой олган шоирнинг жорий йилда "Машҳур-пресс" нашриёти томонидан чоп қилинган ушбу китоби, сиз, азиз шеърхонлар учун ажойиб тухфа бўлади, деган умиддамиз.



«МАҚСУДАМ»

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг шеърини мисраларида айтгани каби ҳамманинг ўзи, ўзигидир. Бу шеърини қалбларга нур, ҳарорат бағишлайди. Тақор-тақор ўқигинг, қўшиқларга айланаб кетган сатрларни тинглагинг келаверади.

Дарҳақиқат, ўзбек адабиётида атоқли шоирнинг алоҳида саҳифаси бор. Шоирнинг юксак тўғу ва ўзига хос оҳанг билан йўғрилган ишқий сатрларини бошқа бирор ижодкор билан адаштириш қийин.

Шоир шеърларида воқеликни нозик ҳис этган ҳолда уни бадиий ифодалаш, муайян ҳодисадан фавқулодда хулосалар чиқариш, ўзи туғилиб ўсган муҳит колоритига мос ифодалар топиш устуворлик қилади.


2021 йилда "Adabiyot" нашриёти томонидан "Назм бўстони" туркумида чоп қилинган ушбу мўъжаз тўпламга шоирнинг қўшиқларга айланаб кетган, адабиёт ихтисомдларининг тилию дилида ёд бўлган шеърларидан тартиб берилди.

«БАҲОР СОҒИНЧИ»

Шоир Назар Шукур шеърларида қалб ва рух туғенлари, табиатнинг кўз илгамас ишоралари ўзгача талқинда ифодасини топади.

Инсон ўй-кечинмалари, дard-изтироблар, дард-изтироблар ҳар бир шеърда турфа жилода товланиб, ранг-гилликка кўзгу тутди. Шоирнинг шаффоф тўғилган шеър дostonлари шеърят муҳлисари қалбини бедорликка ошно қилади. Ўз овози, услуби билан ўтган асрнинг 80-йилларида адабиётга кириб келган шоир ҳаётини эрта тарк этса-да, ўзидан арзирли адабий мерос қолдира олгани барчамизга яхши маълум.

2021 йилда "Adabiyot" нашриёти томонидан "Назм бўстони" туркумида чоп қилинган ушбу китоб ҳам шеърсеवार халқимизга муносиб тухфадир.



«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси ветеринари ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридеги Халқро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи

Халқро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Европа Иттифоқи грант маблағлари ҳисобидан қиймат занжирларини ривожлантириш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳавий тақлифларни қабул қилади.

Қўшимча маълумотларни lsdp@vetgov.uz почта манзили орқали олишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Почта манзили: lsdp@vetgov.uz

Лойиҳавий тақлифлар 2021 йил 4 ноябрга қадар қабул қилинади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 471 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Тахририятга келган қўёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуготчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов. Мусахҳиҳ — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.05 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6